УзССР Давлат китоб палатаси
Г-51193
Гос. книжная палата УзССР

Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1993 йил 20 октябрь, чоршанба | № 65 (6576). Баҳоси сотувда эркин нархда.

СИЁВУШ ЮРТИДАН АЛПОМИШ ЭЛИГА

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ АКБАР ҲОШИМИЙ РАФСАНЖОНИЙ РАСМИЙ САФАР БИЛАН 18 ОКТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СУРАТДА: аэропортда кутиб олиш пайти. (ЎзА).

Маълумки, ўзбек ва эрон халқларининг ўзаро алоқалари тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Бироқ, бу алоқалар кейинги 70—80 йил мобайнида анча сусайиб қолган эди. Ўзбекистоннинг истиқлолга эришуви халқларимизнинг азалий биродарлиги, ҳамкорлигини қайта тиклаш имкониятини яратди.

1992 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Эронга ташрифи чоғида бўлиб ўтган олиймақом учрашуви икки халқ ўртасидаги қадимий дўстлик, азалий ҳамкорлик алоқалари тарихида янги саҳифа очди.

Эрон Ислом жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам бу алоқаларни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Эрон Ислом Жумҳурияти Ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Эрон Ислом жумҳурияти ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, саноат, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик бўйича Ўзбек—Эрон қўшма комиссиясини тузиш ҳақидаги баённомани имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Тўлаганов ва Эрон Ислом жумҳурияти йўл ва транспорт вазири Акбар Тўркон Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Эрон Ислом жумҳурияти ўртасида транзит алоқаларни тартибга солиш ҳақидаги ва халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Мамлакатимизга расман ташриф буюрган Эрон Ислом жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва уларнинг қизлари Фотимахоним билан Фоизахоним 18 октябрь куни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида бўлдилар. Республикамизнинг таниқли аёллари меҳмонларни очиқ чеҳра ва қучоқ-қучоқ гуллар билан кутиб олди. Қўмита раиси Ҳалима Худойбердиева меҳмонларга мамлакатимиз хотин-қизларининг турмуш ва меҳнат шароитлари, қўмита фаолияти хусусида сўзлаб берди. Икки мамлакат муслималари ўртасида дўстона муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш лозимлигини айтди.

Ҳожияхоним Иффат Ҳошимий Рафсанжоний ва Фотимахоним билан Фоизахоним шу куни «Она ва бола» республика марказини ҳам бориб кўрдилар. Марказнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Эрон Ислом жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқлар дўстлиги саройида журналистлар билан учрашдилар.

(ЎзА материаллари асосида тайёрланди).

СИРДАРЁ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида республика халқ таълими фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш бошланишидан олдин кенгашда ёзиб олинган видеотасма намойиш қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Иўлдошев қисқача кириш сўзи билан очди. Президентимиз нутқи «Ватан, эл манфаати муқаддасдир» деб номланади, деди ўз сўзида вазир. Дарҳақиқат, эл-юрт манфаати-йўлида фидойилик ҳар бир фуқаро, айниқса, бошқарув ташкилотлари раҳбарлари учун фаолият мезонидир. Биз яшаётган давр, нутқда ғоят аниқ таърифланганидек, «...ҳар биримизнинг Ўзбекистоннинг келажаги йўлидаги фидойилигимизни, ватанпарварлигимизни, имон ва инсофимизни қаттиқ синовдан ўтказадиган тарихий давр». Зотан, ислоҳотларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб бориши кўп жиҳатдан мазкур инсоний фазилатларга боғлиқдир. Сирдарё вилоятидаги кўпчилик раҳбар ходимларда ана шундай фазилатлар етишмаётганлигини юртбошимиз кескин танқид қилди.

Президентимиз ўз нутқида Сирдарё вилоятидаги умумтаълим муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасалари фаолиятидаги жиддий камчиликларни ҳам рўйрост кўрсатиб ўтди. Сирасини айтганда, бундай аҳвол фақат Сирдарё вилоятига хос эмас. Биз бугун ўз фаолиятимизга ана шу хулосалардан келиб чиқиб баҳо беришимиз, сабоқ олишимиз лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Иўлдош Саиджонов «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар» мавзуида маъруза қилди.

Нотиқ Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат ва халқ таълими вазирлиги қарорларини бажариш юзасидан бир мунча ишлар бажарилганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга Президент нутқида келтирилган далиллар, вилоятда ўтказилган текширув натижалари шуни яққол кўрсатмоқдаки, вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг тасарруфидаги қатор ташкилот ва муассасаларда истиқболни мўлжаллаб таҳлилий фаолият юритиш эътибордан четда қолган, тегишли концепция ишлаб чиқилмаган. Бошқарма ўз тасарруфидаги бўлимлар ва ҳокимиятнинг тегишли ташкилотлари билан Президент Фармонларини бажариш юзасидан ўзаро ҳамкорликни лозим даражада ташкил этмаган.

Кўплаб мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига, кенгашда тўғри таъкидланганидек, бепул иссиқ овқат ўрнига нон ва чой берилмоқда. Мактабларнинг ўн беш фоизида ошхоналар йўқ. Болалар тозалик қоидаларига хилоф шароитда овқатланишмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари эса ўзларига тегишли озиқ-овқат маҳсулотларининг атиги 30—35 фоизини олишган.

Вилоят бошқармаси ўқув режасидаги айрим фанлар бўйича педагог ходимларга бўлган эҳтиёж ҳақида аниқ маълумотларга эга эмас, битим асосида ишга қабул қилишда сусткашликка йўл қўйилаётир. Ўқув жараёнига янгича мазмун киритиш, илғор иш услуби ва замонавий технологияни жорий этиш, вазирлик томонидан юборилган умумтаълим, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбияга оид ва шунга ўхшаш бир қанча концепцияларни жорий этиш қониқарсиз аҳволда.

Вилоят бошқармаси Президент Фармонларини бажаришга даъват этилган тегишли ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрната олмаганлиги туфайли ўқитувчилар Фармонларда кўзда тутилган имтиёзлардан тўлиқ баҳраманд бўлмаётирлар.

Нотиқ ўз сўзида вазирликнинг тегишли бошқармалари, Республика ўқув-методика маркази янги дарсликларни жойларга ўз вақтида етказиш масаласини тўла ҳал қила олмаганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди ва бу борада зудлик билан зарур чора ва тадбирлар кўриш зарурлигини уқтирди.

Сирдарё вилоятидаги бундай нуқсон ва камчиликлар жумҳуриятимиздаги барча вилоят халқ таълими бошқармалари ўз фаолиятларига танқидий кўз билан қарашларини, таълим-тарбия ишларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш тадбирларини белгилашларини тақозо этади.

Музокараларда вазирлик фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи Тошпўлат Тошлонов, ижтимоий тараққиёт бўлими бошлиғи Убайдулла Камолов, умумий ўрта таълим бошқармасининг бошлиғи Маҳмуд Қосимов, Навоий педагогика институти ректори Равшан Раҳмонов, вазир ўринбосари Баҳром Қодиров сўзга чиқдилар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси фаолиятига оид билдирилган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, жумҳурият миқёсида халқ таълими ишларини янада такомиллаштириш юзасидан тадбирлар мажмуаси белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Баҳриддин Зарипов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА ЎҚУВИ

ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида маънавият ва мафкура ўқувининг иккинчи машғулоти бўлиб ўтди. Машғулот Ўзбекистон давлатининг истиқлол мафкураси йўналишларини белгилаш ва илмий-амалий ҳамда назарий жиҳатдан уни яхлит шакллантириш ва ривожлантириш масаласига бағишланди.

— Мустақил Ўзбекистонимиз, — деди вазир Жўра Абдуллаев машғулот моҳиятини изоҳлар экан, — бугунги кунда ўз истиқлол тараққиётининг ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу йўл дадил ривожланиш йўлидир. Бу йўлнинг ўз истиқлол мафкураси шаклланмоқда. Ўзбекистон ҳуқуқ мафкураси муаммолари бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кун тартибидаги мавзу юзасидан Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтининг ректори, профессор, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидов маъруза қилди.

— Ўтмишда инсоният тараққиётидан шу нарса маълумки, — деди маърузачи, — ўз маданиятини яратмай, унга асос солмай туриб бирор жамият тўкис яшай олмаган. Маданият — бу мафкура. Мафкура — ғоялар, мақсадлар, ҳаётий амаллар тизимларидан ташкил топади...

Маърузачи ўз нутқида мафкуранинг ўзига хос хусусиятлари, унинг тарихий илдизлари, муҳим ҳуқуқий-тарихий манбалар, мамлакат тараққиёти ва уни бошқаришда мафкуранинг аҳамияти ҳақида фикр юритди.

«Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим».

Президентимиз И. А. Каримовнинг дастурий йўналишдаги бу сўзлари машғулот мазмунида, нотиқларнинг мафкура ва ҳуқуқ муносиблигига оид фикр-мулоҳазаларида чуқур акс этди.

Зотан, истиқлол мафкураси — бу республикамизнинг тараққиёт йўли, уни дунё мамлакатлари силсиласида тутган ўз ўрни, ўз маънавий қиёфасидир.

А. АЛИ.

БИЛИМ ЮРТИДА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бугунги кунда республика халқ таълимида ҳам ислоҳотлар кенг миқёс касб этаётир. Таълимда туб сифат ўзгаришларига эришишнинг муҳим йўналишларидан бири янгиликларни илмий-амалий синаш, илғор тажрибаларни оммалаштиришдир. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бунга катта эътиборни қаратиб келмоқда. Ўтган жума куни Тошкент педагогика билим юртида ўтказилган вазирлик ҳайъатининг кўчма йиғилиши бош мақсади ҳам ана шунга — ўқув-тарбия муассасалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш борасидаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилди.

Республикадаги педагогика ва ўрта махсус ўқув юртлари директорлари, педагогика олий ўқув юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, тизимнинг бошқарув идоралари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокидаги кўчма ҳайъат йиғилиши Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Иўлдошев раислигида ўтди.

Тошкент педагогика билим юрти ва индустриал педагогика техникумида сифатли кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган тажрибалар ва Тошкент шаҳар ўрта педагогика ўқув юртларида 1993 йилги қабулни тест синовлари усули натижалари ҳақида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Б. Ғ. Қодировнинг ахбороти, Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири А. Абдуқодиров, Тошкент педагогика билим юрти директори М. Исмоиловаларнинг қўшимча ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Маълумки, ўрта махсус педагогика ўқув юртлари билан педагогика институтлари алоқасини кучайтириш, янги турдаги ўқув юртлари (педагогик коллеж) ташкил этиш мақсадида 1990—1991 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика институти ва Тошкент педагогика билим юрти ҳамкорлигидаги тажриба-синов майдончаси ташкил этилди. Ушбу тажриба Дастури, Низоми, тажриба-ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилди. Билим юртидаги тажриба гуруҳларига «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича 1990 йилда 88 нафар, 1991 йилда 135 нафар, 1992 йилда 144 нафар талаба қабул қилинди.

Талабаларнинг билим юртидаги биринчи босқич ўқув муддати 2 йилу 10 ой бўлиб, уни муваффақиятли тугатганлар иккинчи босқичда Тошкент давлат педагогика институтида давом эттирадилар. Бу гуруҳларда тажриба-синов ишлари муваффақиятли борди ва 1993 йилда тажриба гуруҳининг илк қалдирғочларидан 83 нафари биринчи босқич ўқишини тугатди. Давлат имтиҳонларининг натижалари, талабаларнинг биринчи босқичи ўқуви давомидаги ўзлаштиришларини ўрганиб чиқиб, Давлат ихтисос комиссияси 23 талабани педагогика институти кундузги бўлимида, 25 талабани сиртқи бўлимида ўқишга тавсия этди. Бу талабалар Низомий номли Тошкент ДПИнинг бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси факультетида ташкил этилган махсус гуруҳларга ўқишга (II босқич) қабул қилиндилар.

Худди шундай тажрибасинов Тошкент индустриал-педагогика техникумида 1991—1992 ўқув йилида ўтказилди.

Шунингдек талабалар қабулини одилона ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги 3 та педагогика билим юртида ва индустриал-педагогика техникумида 1993 йилда ўқувчилар қабули тест синови усулида ўтказилди. 1427 нафар абитуриент тест синовларида қатнашди ва улардан тўплаган балларига кўра 756 ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилиши тажрибалар натижалари таҳлилларини муҳокама этиб, Тошкент педагогика билим юрти ва Низомий номли Тошкент ДПИ ҳамкорликда олиб бораётган тажриба-синов ишларининг натижаларини маъқуллади. Тошкент шаҳар педагогика билим юртларининг ўқувчилар қабул қилишда тест усулидаги тажрибалари республикадаги бошқа билим юртларида ҳам давом эттириш ва оммалаштириш лозим, деб топилди.

Ҳайъат йиғилишида «Педагогика ўқув юртларида 1993 йилга қабулни ташкил қилиш натижалари ва келгусидаги вазифалар», «Андижон вилояти умумтаълим ва ҳунар мактаблари дарс жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлиги» масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида «Республика узлуксиз педагогик таълим концепцияси», «Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси 1993 йил мактаби» кўриги натижалари тасдиқланди.

Йиғилишдан сўнг унинг қатнашчилари Тошкент педагогика билим юртида ташкил этилган илғор тажрибалар кўргазмасини томоша қилдилар, тест синовлари ўтказиладиган компьютер маркази билан батафсил танишдилар, мутахассислар билан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлашдилар.

М. РАҲМОНОВ.

Мухтор Қиличев 33 йилдирки, Когон туманидаги 8-мактабда ўқувчиларга ўзбек тили фанидан сабоқ бериб келмоқда. Унинг жонли мулоқотга асосланган ҳар бир дарсини болалар интизорлик билан кутишади.

ТАСВИРДА: М. Қиличев галдаги машғулотни олиб бораяпти.

Х. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Кўрик-танлов

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБЛАРИ

Илгарилари «Йил мактаби» кўрик-танлови ҳақида гап бўлмасди-ку, аммо шундай фикр юритилганда ҳам, менимча, жафокаш педагоглар, ғолиблар фақат «юқорида бўлади» деб ўйлашарди. Қарангки, ана шундай ўй юритишлар, ўзимиздаги Амонашвили, Макаренко каби педагоглар ўз ораларидан чиқишини, улар тажрибаси оммалаштирилиб, нафақат республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам кенг ёйилаётганлигини хаёлларига ҳам келтирмаганлиги бор ҳақиқат. Лекин бу билан педагогларимизга таъна қилмоқчи эмасмиз. Негаки, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, нақлида иш юритиларди ўшанда.

Эндиликда янги давр — мустақилликнинг республикамизда дадил одимлаётгани, республика раҳбариятининг халқ таълимига кўрсатаётган ёрдами ва яратилаётган шарт-шароит нафақат илғор ўқитувчиларни аниқлашда, балки ҳар жиҳатдан мукаммаллашган, жумҳурият ва бошқа ўлкаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзигулик мактаблар ҳам борлигини аниқлашга, ана шу жойларда жонфидолик қилаётган педагоглар жамоаси аҳиллигини, ўқувчи-талабаларнинг зукко ва билимдонлигини кенг тарғиб қилишга ҳам имкониятлар яратмоқда.

Иқтисодий тақчиллик шароитида айрим муаммоларнинг кўндаланг бўлаётганлигига қарамай, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловини ўтказиш, ғолибларни аниқлаб, у ердаги иш тажрибаларни оммалаштиришдек хайрли ишнинг бошланганлигига ҳам анчагина вақт бўлди.

Куни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган махсус гуруҳ ана шу масала юзасидан олиб борилган изланишлар, қузатиш ва оқилона иш юритишлар натижасини кўриб чиқди, «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танлови ғолибларини аниқлади.

Ниҳоят, Фарғона вилояти Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 29-ўрта мактаб, Тошкент шаҳридаги 300-лицей-биринчи, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Юсуф Хос Ҳожиб номли 8-мактаб иккинчи, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги ибн Сино, номли 11-ўрта мактаб эса учинчи ўринни эгаллаб, республика илм масканлари орасида «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг ғолиблари бўлишди.

Таълим-тарбияни юксалтиришда, ижодкорлик ва изланишни йўлга қўйишда юқори натижаларга эришган бу жамоалар танлов шартларига кўра, махсус совғалар, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

21 ОКТЯБРЬ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

МИЛЛАТ ФАХРИ, ҚАЛБ ТАРЖИМОНИ

Эртага Ўзбекистон Республикасида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига тўрт йил тўлади. Ўз эркини ўз қўлига олган мамлакат учун бутун курраи заминга ўзлигини намоён этишда она лисони, яъни ўзбек тилининг оламшумул аҳамиятини ҳисобга олсак, бу сана чинакамига байрам кунидир.

Айни паллада барча жойларда ушбу Қонун қабул қилинганлигининг тўрт йиллиги нишонланяпти. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқбол режалари тузилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, шу кунгача Қонуннинг бир қанча бандлари бўйича салмоқли юмушлар бажарилди. Кўпгина соҳаларга тааллуқли ўзбекча атамалар тузилиши, кўча ва жойлар номларининг ўзгартирилиши, республикамизда яшаётган бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўрганиш учун зарур қулайликлар яратилганлиги шулар жумласидандир.

ТИЛИМИЗ—ОБРЎЙИМИЗ

Бизни бугун байрам руҳи айнан давлат тили тўғрисида янада чуқурроқ, атрофлича фикр юритишга ундайди. Негаки, мазкур Қонун ўзбекистонликман, ўзбекман деган ҳар бир кишига ўз тили билан ғурурланиш ҳуқуқи баробарида шундайин юки оғир масъулиятни юклайди. Биз қаерда бўлмайлик, ким билан гаплашмайлик ўз она тилимизнинг бутун жилосини, бойлиги ва имкониятини кўз-кўз қила билишимиз керак. Ҳозирда радио ва ойнаи жаҳон орқали берилаётган эшиттириш ва кўрсатувларда ўз фикрини ифода этолмай қийналаётган ҳамюртларимизни кўп учратамиз. Ўзбек тилининг ибтидосидан бехабар киши учун бу ҳол тилимизнинг нақадар ожиз, қарамлигига ишорадек туюлади. Ваҳоланки, жаҳон тараққиётининг не-не дуру жавоҳирлари аслияти айнан шу тилда битилган. Шундай экан, биз ўша жавоҳиротлар меросхўри ҳамда доно ота-боболаримиз ишларининг муносиб давомчилари бўлишимиз керак.

Албатта, ҳозирги саъй-ҳаракатларимиз натижасида ўю хаёлларидагина вақти келиб тилига бийрон кўчирадиган ёшларни вояга етказишда болалар боғчалари, мактаблар илк босқич ҳисобланади. Тарбиячи ва муаллимлар ҳам ҳар қачонгидан-да масъулиятлилик билан бу ишга киришишлари лозим. Сўнгги йилларда тил ўргатишда, аввало, ўқувчида фикрлашга ва уни тўлақонли ифода этишга кўникма ҳосил қилишга эътиборни қаратиш, зарурлиги бот-бот таъкидланаяпти. Бу эса мазкур масканларда кўпроқ қироатхонликни, китобхонликни, қолаверса, ўқувчиларга мазмунан бой, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бадиий асарлардан лавҳалар ёд олдиришни тақозо этади. Нега деганда ўқиб, ёд олиш орқали бола ўзи учун янги-янги сўзлар кашф этади, ўз ўрнида уларни ўз луғати бойлигига айлантиради. Шу зайилда ўқувчи ўз фикрини ростмана ўзбек тилида баён этишга ўрганади.

Байрам арафасида барча маорифимиз жонкуярларини қутлаб, уларга шундайин эзгу ишларни кўнгилдагидек уддалашларида муваффақиятлар тилаймиз.

Абдусамат РАҲИМ.

ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш бўйича вазирлик ҳузурида тузилган ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда олимлар, шу соҳа мутахассислари ҳамда ўқитувчилар иштирок этишди.

Йиғинни ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саъдуллаевич Санджонов олиб борди. Дастлаб, у Қонунда белгиланган давлат дастурини бажариш юзасидан вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар ва ишчи гуруҳи ишлаб чиққан 1990-95 йилларга мўлжалланган махсус тадбирлар моҳиятига атрофлича тўхталди.

Тадбирлар орасидан Самарқанд вилоятида болалар ёзги таътили мавсумида ўзга миллат болаларига ўзбек тилини ўргатиш масаласи ҳам жой олган эди. Тажрибасинов тарзидаги тадбир яхши натижа берди. Бу тажрибани кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Вазир муовини дарсликлар нашрга тайёрланаётганда, унинг имлосига, орфографик, стилистик қоидаларига етарли риоя қилинмаётгани ҳақида ҳам жиддай мулоҳазалар билдирди. Республика ўқув-методика марказида дарслик ва ўқув қўлланмалари тасдиқдан ўтказилаётганда чуқур ва ҳар томонлама муҳокама этилиши, синчиклаб текширилиши зарур.

Йўлдош Санджонов ўз сўзи давомида «Маърифат» газетасининг Давлат тили Қонунини амалга ошириш борасидаги чиқишлари, лотин алифбосига босқичма-босқич ўтиш масалалари ҳамда «Истеъдод» жамғармаси фаолияти ҳақида ҳам батафсил гапирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимовнинг «Ўқитувчиларнинг август кенгашларида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга тадбиқ этилишини муҳокама қилиш ва келгусида ушбу масала юзасидан белгиланган тадбирлар» ҳақидаги ҳисоботи, ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси етакчи назоратчиси Абдуманноб Абдусатторовнинг ҳунар масканларида мазкур Қонуннинг ҳаётга қай тарзда жорий қилинаётгани хусусидаги ахбороти, Ангрен Давлат педагогика институти ректорининг ўқувчи ва талабалар билан ишлаш бўйича муовини Қурбон Юсуповнинг институт жамоасининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида эришаётган ютуқлари ҳамда аҳён-аҳёнда учраётган муаммолари борасидаги ҳисоботи тингланди.

Кўрилган масалалар юзасидан педагогика фанлари номзодлари Собир Зиёев ва Йўлдош Абдуллаев сўзга чиқиб, ҳисоботларнинг мажуд муаммоларни бартараф этиш учун фаоллик кўрсатиш зарурлиги ҳақида таҳлилий фикр юритишди.

Йиғилиш сўнггида бажарилган ишлар умумлаштирилиб, тегишли хулосалар чиқарилди, шунингдек, келажакда қилинадиган юмушлар кўлами белгилаб олинди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Бўстонлиқ туманида фаолият кўрсатаётган Ёшлар таълими маркази қошида яқинда янги коллеж очилди. Бошланғич синфлар муаллимлари, тарбиячилар, кичик тиббиёт ҳамширалари каби мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган бу илм масканида институтларнинг ўқитувчилари ҳам сабоқ беришади.

ТАСВИРДА: Низомий номидаги Тошкент педагогика институти ўқитувчиси Олимбой Раҳимов талабаларга ўзбек тилини ўқитиш услуби фанидан сабоқ бераяпти.

И. ПОРТНОВ олган сурат.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Тил ўқитувчи учун фақатгина фикр қуроли, лексик-грамматик билимлар ҳақидаги илмий-ижтимоий тушунча бўлиб қолмай, биринчи галда ўқитиш предмети ҳамдир. Тил ўргатиш эса фақат билим бериш ёки кўникмаларни тарбиялашдан иборат эмас, у аввало, ўқувчиларда нутқий алоқа ва ахборот қабул қилиш воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қобилиятини ўстириш жараёни эканлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда ана шу мутлақ асосли далилдан кўз юмилаётганлиги таълим йўналиши ва мазмунини ҳаққоний белгилашга тўсқинлик қилмоқда. Бошқа миллат вакилига давлат тили — ўзбек тилини ўқитишдан мақсад шу тилни билиш, уни мукаммал эгаллаш ҳамда оғзаки ва ёзма фикр алмашувда фаол фойдалана олиш эканлиги унутилганлиги туфайли узоқ йиллар, мактабда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам асосан, ўзбек тилининг грамматик тизимини сингдиришга эътибор қаратилиб келинди. 1976 йилда чоп этилган ва 1990 йилда қисман ўзгаришлар билан лойиҳа тарзида эълон қилинган рус мактабларининг 9 — 11-синфлари учун ўқув дастури, 10—15 марталаб қайта-қайта нашр этилиб, дарсликлар айнан шунга — грамматик тушунчаларни ўзлаштиришга қаратилди, холос. Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига ҳам тўрт йил тўлди. Лекин ҳанузгача бу фаннинг мустақил ресучун бундай тамойил ва усуллар бир талай қийинчиликлар туғдиради. Тил қурилишидаги лисоний фактларни ифода мақсадига, нутқ эҳтиёжига мослаб ўқувчига тавсия этиш ва сингдириш чуқур назарий-методик билимларни талаб этиши, шубҳасиз. Мабодо ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш борасида замонавий методика, илғор тажриба етишмайди, деб қараладиган бўлса, унда рус ва чет тилларини ўқитиш борасида республикамизда тўпланган бой тажрибалардан ижодий фойдаланиш ва ўзлаштириш лозим. Негаки, иккинчи тилни ўқитиш усуллари барча тилларда бир хил тамойилларга асосланади. Қуйида тавсия этиладиган мезон ва талаблар иккинчи тилни ўқитишда эътироф этилган, бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда олиб бориладиган ғоят самарали тамойилларни белгилаб беради:

— ўқитишнинг амалий йўналиш касб этишига эришиш;

— тил материалларини танлаш ва ўқувчига тавсия этишда унинг қўлланиш даражасини назарда тутиш;

— ўқув материалини нутқий вазият ва шунга мос мавзу режаси изнида бериш;

— лексика ва морфологияни ўргатишда синтактик материалга таяниш;

— ўқув материалини жойлаштиришда (системалиликка) тизимлиликка асосланиш ва ўқитишда изчилликка эришиш;

— она тили (бу ўринда рус тили)нинг хусусиятларини ҳисобга олиш;

— таълим ва тарбия яхлитлигини таъминлаш.

Ушбу тавсияларга амал қилиш иккинчи тил таълимининг тўрт асосий унсури — эшитиш, ўқиш, сўзлаш ва ёзишга ўргатишнинг яхлит бир бутунликда ва ўзаро боғлиқда амалга оширилишини таъминлайди. Бу тамойиллар тўғрисидаги кенгроқ маълумотни 1991 йилда Республика ўқув-методика маркази томонидан чоп этилган «Ўзбек тилининг амалий курси»дан рус гуруҳлари учун программа ва методик тавсиянома»дан (тузувчилар Э. Шодмонов, А. Рафиев) топиш мумкин.

Ўқувчиларни ўзбекча матнни эшитиш ва ўқий билишга, мустақил равишда жонли мулоқотга кириша олишга ўргатиш баробарида уларда тилшунослик ва тил ўқитиш методикасининг дидактик тамойиллари асосида онглилик, илмийлик, тушунарлилик, кўргазмалилик ва ҳоказолардан фойдаланиб, ўзбек халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва муомала одоби тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва унга ҳурмат руҳида тарбиялаш зарурати ҳар бир машғулотнинг марказида турмоғи лозим. Айни шу мақсадда рус гуруҳларида ўзбек тили таълими ўзбек адабиёти билан қўшиб олиб борилиши, уйғунлаштирилиши зарур бўлади.

Масаланинг бу тарзда кенгроқ қўйилиши ўзбек тилини ўқитишнинг асосий йўналишларини (концепциясини) белгилашда, таълимнинг мазмуний мундарижасини янгилашда ҳисобга олинишини тақозо этади. Шунга кўра, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда илгари кам ишлатиладиган материаллар, чунончи, лисоний-тарбиявий (лингводидактик) ва ўлкашунослик (лингвострановедик) материалларидан кенгроқ фойдаланиш йўлидан бориш мақсадга мувофиқдир. Афсуски, янги чоп этилаётган дарслик ва қўлланмаларда ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этувчи, ёшларни тарбияловчи матнлар, ўлка тарихи, маданияти ҳамда маънавиятини улуғловчи адабий-бадиий намуналар оз. Ўзбек тилини ўрганувчилар учун шундай мазмундаги алоҳида хрестоматиялар, ўқиш китоблари тайёрланиши лозим.

Тил ўрганишда луғатларнинг ўрни салмоқли. Аммо нашр этилаётган турлича икки ва кўп тилли луғатларнинг аксарияти (1992 ва 1993 йилгилари ҳам) тил таълими мазмуни ва усулларига мувофиқлаштирилмаган, ўқув луғатлари ва сўзлашгичлар ўта оддий ҳамда мазмунан эскирган. Тилни эгаллашда амалий аҳамиятга молик мавзули (тематик) луғатлар, сўзларнинг бирикувчанлик қонуниятларини очувчи, уларнинг тил услублари аро фарқини кўрсатувчи, маъно ва грамматик шакл муносабати асосида, сўзларнинг боғланиш усулларини кўрсатувчи луғатлар яратилса, таълим самарадорлиги йўлида муҳим бурилиш бўлар эди.

Тил ўқитишдаги, унинг йўналиши ва тамойилларини белгилашдаги хатоликларнинг яна бир сабаби тил ва нутқ ҳодисаларини ўрганадиган лисоний қонуниятларни ҳисобга олмасликдан келиб чиқади. Айниқса, иккинчи тилни ўқитиш методикасида тил ва нутқ фаолияти хусусиятларини ифодаловчи қонуниятлар ва тушунчаларни билиш, улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тил ва нутқ тушунчаларини бир-биридан илмий асосда фарқлашни кўпгина ўқитувчилар бу икки ҳодисанинг моҳиятини англамаганликлари учун билмайдилар. Тил ўқитишда тил бирликлари ва нутқ бирликларини ўзаро фарқлаш, уларнинг вазифасини билиш зарур. Тил бирликларининг белгиларини, бирикувини ва вазифасини билишнинг ўзи мазкур тилдаги нутқни эгаллаш учун етарли эмас.

Ўзбек тили муаллими социолингвистика, экстралингвистика, лингводидактика, психолингвистика, паралингвистика каби тушунчалар билан ҳам назарий қуролланган бўлиши, дарсларда бундай ҳодисалардан кенг фойдалана олиши зарур.

Тилни эгаллаш пойдевори бошланғич ва ўрта таълимда қўйилишини назарда тутсак, бу босқич муаллимларининг касб маҳоратларини кескин ошириш чоралари кўрилмоғи лозим. Бу ишни малака ошириш курсларига йўллашдан кўра дастлаб ўқитувчиларни зарур илмий ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашдан бошлаш ўринли бўлар эди.

Назаримда, ўқитувчиларни илмий ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг мақбул ечими қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин. Биринчидан, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари методистларининг янги адабиётларга ўз вақтида буюртма бериш, у билан фан методбирлашмаларини, ўқитувчиларни таништириш масъулиятини кучайтириш лозим. Иккинчидан, методистлар Республика ўқув-методика марказини режалаштириш ва нашр бўлими билан бевосита алоқа ўрнатиб, марказда чоп этилган ҳар бир дастур, тавсияномани ўз методбирлашмаларида холисона муҳокама этишлари ҳамда унинг қарорини марказнинг илмий-методик кенгашларига юбориб туришларини йўлга қўйишга тўғри келади.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ТошДУ докторанти.

КЕНГАЙТИРИБ ЎРГАТИШ НИМА?

Она тилини «чуқурлаштириб» ҳамда «кенгайтириб» ўрганиш тушунчалари ўзбек педагогик матбуотида 1992 йилгача ягона тушунчани ифодаловчи атама сифатида қўлланди. Аслида иккала тушунча айрим жиҳатлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, мактабларда ўтказиладиган «Чуқурлаштириб ўргатиш»да қуйидаги машғулот турларини англаш зарур:

— фанний тўгарак машғулотлари;

— факультатив машғулотлар;

— умумий таълим мактаблари дастури материалларини кенгайтириб ўрганиш.

Фанний тўгарак машғулотларида, чунончи, она тилидан: «Ўзбек имлосининг назарий асослари» (5—7-синф ўқувчилари), «Тил ва ҳаёт» (5—6-синф ўқувчилари), «Имло ва тўғри талаффуз» (5—7-синф ўқувчилари), «Иншо назарияси ва амалиёти» (9—10- синф ўқувчилари) ва ҳоказолар қамраб олинади. Демак, мактабда ўқув фанлари чуқурлаштириб ўргатиляпти, дейилганда машғулотларнинг мазкур уч тури назарда тутилади.

Ўзбек мактабларида она тилини чуқурлаштириб ўргатишда мазкур машғулот турлари ўқувчиларни тил ҳақидаги фан асосларига оид назарий маълумотлар билан чуқурроқ таништириш ҳамда уларнинг нутқ бойликларини кенгайтириш масалалари мақсад қилиб олинади. Биз уни бу мақолада она тили дарсларида амалдаги дастур материалларини кенгайтириб ўргатиш ҳақида фикр юритамиз.

Она тили курсини қайси синфдан чуқурлаштириб ўргатиш керак? Бу ишни 5-синфдан бошлаш, бунда фанний тўгарак шаклидан фойдаланиш тавсия қилинади. Дарсда кенгайтириб ўрганиш турини эса бизнинг кузатишимиз 7-синфдан бошлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Бунда синтаксини морфология негизида ўргатишга ҳам риоя қилинган бўлади.

Она тили кенгайтириб ўргатиладиган мактабларда ҳозирча одатдаги мактабларнинг мазкур синфлари учун нашр қилинган дарсликлар асосида ишлашга тўғри келади. Бунда ўқитувчи ишга ижодий ёндашиб, кенгайтириб ўргатиладиган мавзу юзасидан ўқувчиларга мос назарий ва амалий материаллар тўплаши, машғулотларда ана шу материаллардан фойдаланиши керак.

Она тилини кенгайтириб ўргатиш юзасидан 1992 йилда нашр қилинган дастур одатдагидек, «Тушунтириш хати» ва «Дастур»дан иборат. Дастурда амалдаги мактаб дастурларида берилмаган баъзи грамматик шакллар ҳам ўрин олган, чунончи: 7-синфда ўқув йили бошида «От» юзасидан 5—6-синфларда ўтилганларни такрорлашда «такрорга бирон янгилик қўшиб берилса, ўқувчиларнинг қизиқиши ортишига» риоя қилиб, ёзма нутқда қаратқич ва тушум келишик қўшимчалари — **н**, жўналиш келишик қўшимчаси — **а** (болама ўхшайди), чиқиш келишик қўшимчаси — **дин** шаклида қўлланишлари ҳақида ҳам маълумот берилади.

«Боғловчи» ўргатилганда **лекин, чунки, шунинг учун** каби боғловчилар фақат содда ва қўшма гап таркибида эмас, балки матн қисмларини туташтирувчи восита сифатида ҳам қўлланиши тушунтирилиб, бу ҳолларда мазкур боғловчилар бош ҳарф билан ёзилиши уқтирилади. Булардан ташқари шу вақтгача мактаб дастур ва дарсликларида берилмаган айрим грамматик шакллар билан ўқувчиларни таништириш ҳам назарда тутилган:

Масалан, — **р**, — **ар** қўшимчаси билан ҳосил бўладиган келаси замон гумон феълининг **эмиш** сўзи билан (қисқарган шакли — **миш**) бирга қўлланиши (**Келиб қолармишсиз эртами-индин** Э. Воҳидов).

«Кўргим келди» каби сўз қўшилмаларидаги эгалик қўшилмалари билан қўлланган феъл шаклининг **гим** (ким: экким, қим, чиққим) қўшимчаси билан ҳосил бўлиши; феълларда орзу-истак маъносини ифодаловчи — **гай** (—қай, —кай) қўшимчаси, чунончи: Яшнагай то абад илму фан, ижод («Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси»дан).

Мен ҳам буюргайман, сен ҳам буюргил. (Абудлла Орипов).

Сен бизлар кўрганни,
Кўрмагайсан ҳеч!
Ғурбат йўлларидан,
Юрмагайсан ҳеч!

(Э. ВОҲИДОВ.)

7-синфда ўқув йили бошида «Содда гап синтаксиси ва унинг таркибида қўлланадиган тиниш белгилар»ни бошлашдан аввал «Кириш» тарзида: Оғзаки ва ёзма нутқ, уларнинг ўзаро муносабати, нутқий фаолиятнинг асосий турлари: сўзлаш, тинглаш, ўқиш, ёзиш, нутқий малака ва кўникмаларнинг шахснинг шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти юзасидан маълумот берилади. Гапнинг мақсадга кўра турлари юзасидан билим берилганда ўқувчиларга маълум маълумотлар айнан такрорланмай, масалага ҳар бир гапнинг вазифаси нуқтаи назаридан ёндашилиб, уларнинг ахборот бериш, сўраш, ундаш-руқ-истак вазифалари ҳақида ҳам тўхталиш мумкин. Гапнинг сўраш вазифаси баён қилинган сўроқ гаплар орқали сўроқ-тасдиқ ёки сўроқ-баён ҳам ифодаланиши хусусида тўхталади, нотиқона сўроқ гаплар ҳақида тахминий фикр юритилади. Ўқитувчи биринчи навбатда бундай гапларнинг диалогик ҳақида гапириб, сўроқ гапнутқда кўпроқ қўлланиши лар сўроқ-тасдиқ ёки сўроқ-инкор гап, нотиқона сўроқ гап тарзида бўлиши, сўроқ гапларнинг бундай кўринишлари кўпроқ монологик нутқда, публицистик услубда ишлатилиши ҳақида ҳам маълумот бериши мақсадга мувофиқдир.

Кўпинча, бадиий асарлардаги монологик нутқда кишининг ички кечинмаларини ифодалаш учун сўроқ гапларни кетма-кет келтириш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай гаплар одатда сўроқ-тасдиқ ёки сўроқ-инкор маъноларини ифодалайди. Бунда матнлар асосида иш олиб боришни тавсия қиламиз.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

ЭЛНИНГ ЎЗИ КАБИ...

ФОЛЬКЛОРШУНОС ОЛИМ МАЛИК МУРОДОВ 60 ЁШДА

Малик Муродовни илк бор 67-йилнинг баҳорида — ҳозирги Амир Темур ҳиёбонида жойлашган университет филология факультетига қашқадарёлик Чори шоир Хўжам ўғлини талабалар ва профессорлар билан учрашувга олиб келганларида кўрганман. Ўшанда мен биринчи курсда ўқирдим. Юртдош шоирга гул тақдим этганимда у дўмбирасини қўлга олиб, бир зумда «яхши ўқигим» қофияли шеър тўқиб ҳаммани қойил қолдиргани ҳам кечагидек эсимда.

Бу воқеани эслаганим боиси Малик ака ўшанда ўзи кашф этган халқ шоирини кўпчиликка илк бор таништириши эди. М. Муродов шундан сўнг ҳам ўнлаб халқ шоирларини излаб топди, улардан қанчадан-қанча достон ва термалар ёзиб олиб, адабиётимиз, маданиятимиз, маънавиятимизни бойитди.

Икки йил бурун эса ЮНЕСКОнинг «Буюк Ипак йўли» халқаро экспедициясида Малик ака билан кутилмаганда сафардош бўлишга тўғри келди ва мен шу икки ойлик сафар давомида бу ажойиб инсонни ўзим учун қайтадан кашф этдим. Биз экспедицияга қадимий Хива шаҳрида қўшилиб, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон орқали Қозоғистонгача бирга бордик. Қайси жойга бориб тушмайлик, Малик ака одамлар билан дарров тил топишиб кетар, ён дафтарига эринмасдан оғзаки ижод намуналарини ёзиб оларди. Қадимий археология ёдгорликлари билан танишишлар, Хива, Самарқанд, Бухоро, Олмаотадаги музейларнинг осори атиқалари билан уларни солиштиришлар, ҳар куни ё кун ора оқшомлари ўтадиган илмий семинарлар, баҳс ва мунозаралар чоғи бутун жаҳон қадимшуносларининг сафида ўзбек халқ оғзаки ижоди, элшунослик билимдони сифатида Малик Муродовни кўрар эканман бир мухбир сифатида кўнглим тоғдек кўтариларди.

Экспедиция чоғи Малик ака Туркистон халқларининг қадим маданияти, оғзаки ва ёзма ёдгорликлари хусусида материаллар тўплади. Бундан ҳам муҳими, Малик аканинг ана шундай бой ва бетакрор ёдгорликларимиз билан ҳорижлик олимларни кўпроқ таништиргани бўлди, десам асло янглишмайман.

Шуни айтиш зарурки, Ашгабатдан бошланган халқаро илмий сафар Хивада «Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар ва карвонсаройлар» мавзуида халқаро симпозиум ўтказгач, айрим республикаларнинг олимлари ноҳолис йўл тутишиб, қадимий маданият ёдгорликларини фақат ўтроқ халқларга тегишли қилиб кўрсатишга уринишди. Уларнинг қадимда кўчиб юрувчи халқларнинг кўзга кўринарли маданияти бўлмаган, деган илмий жиҳатдан хато тезисни ошкора равишда ўтказишга майллари борлиги билиниб қолди. Ҳоҳо қадимий ёдгорликлар билан танишув чоғида, ҳоҳо автобусда, баъзан дам олиш ва овқатланиш чоғларида ҳам бир-икки олимнинг шундай гап-сўзлари қулоққа чалиниб қоларди. Бундай гап-сўзлар кўпчиликнинг энсасини қотирса-да, ҳамма вақт уларга босиқлик билан маданий жавоб қилишга ҳаракат қилинди. Бунда, шубҳасиз, кўпни кўрган, доно ва сабрли Малик ака ва бошқа олимларимизнинг ҳам хизмати катта бўлди.

Бутун экспедиция жараёнида қўлга киритилган янги маълумотлар қадим Туркистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган меъморий-маданий обидаларини фақат тор қолипга солиб кўрсатмоқчи бўлган ноҳолис, ноилмий қарашларни тўла рад этишга имкон берди. Экспедиция охирида Олмаотада бўлиб ўтган «Буюк Ипак йўлидаги кўчиб юрувчи халқлар маданияти» мавзуидаги халқаро анжуман чоғи бундай қарашларга илмий муносабат тўла ойдинлашди. Экспедициянинг илмий раҳбари, покистонлик археология доктори Аҳмад Ҳасан Дони, Узбекистондан Аҳмадали Асқаров, ЮНЕСКОнинг мазкур экспедиция бўйича ишни мувофиқлаштирувчи раҳбари Дуду Диенлар кўчиб юрувчи халқлар маданияти бўйича шакланиб қолган ноилмий қарашларни ўзгартириш зарурлиги, экспедициянинг илмий хулосаси фан учун шундай катта янгилик бўлганлигини қайта-қайта эътироф этдилар. Бу, сўзсиз «Ўтроқ халқлар Улуғ Ипак йўлида шаҳар ва қишлоқлар бунёд этдилар, мадрасалар, карвон саройлар қурдилар, маданиятни ривожлантирдилар, кўчиб юрувчиларнинг эса нимаси бор!» қабилида фикр юритиб Туркистондаги барча халқларга тегишли умумий маданиятни алоҳида ажратиб олиб, уни фақат бир-икки халқ маданияти, дея баҳолаётган бўлган айрим олимларнинг ноҳолис қарашларига муносиб жавоб бўлди. Биргина Олмаота яқинидаги Иссиқ кўрғонидан топилган жангчининг нуқул тиллодан ишланган сипоҳий кийим-боши, унда ишлатилган рамзлар, тимсолларнинг ўзи (бу тилло кийим-бош ҳозир Олмаота тарих музейини безаб турибди.) кўчиб юрувчи халқлар маданияти ҳақидаги ҳар қандай беписанд қарашни йўққа чиқаради...

Буларни айтишдан муддаом шуки, Малик ака қаерда бўлмасин, ўз илми, тажрибаси, халқ оғзаки ижодини мукаммал билиши билан жаҳон олимларининг ҳам эътиборини қозонгани рост. Унинг ўз халқига муносиб обрў-эътиборини ана шу сафар чоғи чинакам ҳис этдим.

Элнинг ўзи каби бағри кенг, кўнгли тоза Малик акадек фидойи олимларимиз илоё ҳамиша кўп бўлгай.

М. АБДУЛЛА.

Халқ таълими: халқаро алоқалар

Шу йилнинг 21-24 сентябрь кунлари Минскда МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар таълим вазирликлари Конференциясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда республикамиздан Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. С. Саиджонов (делегация раҳбари), давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Э. Г. Галикеев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Каримовдан иборат делегация қатнашди.

Минск учрашувида қайси мамлакатлар таълим вазирликлари делегациялари қатнашди ва йиғилиш кун тартибида қандай масалалар кўриб чиқилди? Энг муҳим муаммоларни ҳал этишда қандай натижаларга эришилди? Қуйидаги мақолада ана шулар ҳақида фикр юритилади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Маълумки, 1992 йил 15 майда МДҲ қатнашчилари бўлган мамлакатлар давлат бошлиқларининг Тошкент учрашувида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббус билан чиққанди. Яъни Ҳамдўстлик мамлакатлари таълим вазирликларига долзарб масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва муқобил қарорларга келиш имконини берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишнинг тизимини вужудга келтириш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилинганди. Бу тизим асосида таълим тизими миллий мустақиллиги тамойилларига замин яратилиши ва таъсисчи бўлган ҳар бир томоннинг манфаатлари инобатга олиниши кўзда тутилганди. Бундай тизим МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар таълим вазирликларининг Конференцияси бўлиб, унинг йиғилишлари йилига бир марта Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирида чақирилади. Томонларнинг истак-хоҳишларига кўра, Конференциянинг биринчи таъсис йиғилиши республикамиз пойтахти Тошкентда ўтказилганди. Минскдаги учрашув эса Конференциянинг иккинчи йиғинидир. Йиғинда Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина таълим вазирликларининг вакиллари иштирок этдилар. Озарбайжон вакили, шунингдек йиғилишга таклиф этилган ЮНЕСКОнинг таълим сиёсати ва бошқаруви дастурлари бўлимининг мутахассиси жаноб А. У. Санников кузатувчи сифатида қатнашишди.

Шуни қайд этиш керакки, Минскдаги учрашувга келарканмиз, гарчи ҳамкорлик мустаҳкамланишига ишонсак-да, мустақил давлатларнинг мустақил вазирликлари билан бир қатор жиддий масалалар бўйича қандай умумий тил топишамиз, бизларнинг бирбиримизга боғлиқ бўлган муаммоларимизни ҳал этишнинг йўллари ва шакларида якдиллик бўлармикан, деган фикр хаёлимизни чулғаб олганди. Зотан, кейинги йилларда барча республикаларнинг таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Масалан, Ўзбекистонда янги Конституция, «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Президентимиз И. А. Каримов халқ таълимига оид қатор фармонлар чиқарди. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди, мактаб ўзининг ёрқин миллий қиёфасига эга бўлмоқда.

Бироқ Минскдаги ҳамкасблар билан биринчи учрашувдан кейиноқ ҳадиклар ўрин қолмади. Шу билан бирга биз Ўзбекистонимиз билан, собиқ Иттифоқ республикалари таълим тизимиаро умумий педагогик алоқаларни сақлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган ташаббусимиз билан ғурурланиш ва фахрланиш туйғусини ҳис қилдик. Тошкент конференциясидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка интилиш, ўзаро ҳурмат, ишчанлик руҳи бу ердаги учрашув чоғида делегация раҳбарларининг нутқларида ҳам, кун тартибига масалалар киритишда ҳам — ҳамма-ҳаммасида сезилиб турди. Бу айни пайтда таълимнинг долзарб масалаларини ишлаб чиқишда самарадорликка эришишнинг омили ҳам бўлди.

Биргаликдаги ишимизнинг унумли ва самарали бўлишида Беларусь Республикаси ҳукуматининг Конференция иккинчи йиғинига ёрдами ва эътибори, маҳаллий ҳокимият идоралари, Беларусь Республикаси Таълим вазирлиги, кўпгина ўқув юртлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари жамоалари амалга оширган катта ташкилотчилик ишлари, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этди.

Минск учрашуви кун тартибига киритилган тўрт масалани муҳокама қилишда ўзаро манфатдорлик, муаммоларни ҳал этишга ёндашишда ва фикр алмашишида тўлиқ мустақиллик сезилиб турди.

Қуйидаги масалалар кўриб чиқилди ва улар бўйича қарорлар қабул қилинди:

1. Таълимнинг давлат стандартлари ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги.

2. Конференция қатнашчилари бўлган давлатлар аҳолисининг этник ва тил гуруҳлари таълим эҳтиёжини қондириш тўғрисида.

3. Ахборот мажмуаси (банки) ва варақалари ташкил этиш ҳақида.

4. Конференциянинг III йиғинини ўтказиш хусусида.

Бугунги кунда МДҲнинг барча мамлакатларида таълим стандартлари (мезонлари) ва унинг натижаларидан бири сифатида таълим тўғрисидаги ҳужжатлар эквивалентлиги ишлаб чиқилмоқда. Бу муаммо таълим тизимида устиворлик характерини касб этаётир. Мазкур масала бўйича, айниқса, Россия Федерациясидан келган ҳамкасбларимиз ахбороти кўпчиликни қизиқтирди. Бу борада бизнинг республикамизда ҳам кўпгина ишлар қилинганлиги ҳақида учрашув қатнашчиларига, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакилларига муфассал маълумот бердик.

Бу ўринда биз, биринчи навбатда, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг август ойида махсус қарор қабул қилганлигини, таълим тўғрисида норматив ҳужжатлар тасдиқланганлиги ва уларни амалга ошириш бўйича тадбирлар белгиланганлигини қайд этдик. Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари мазмуни тўғрисида Низом, уни ишлаб чиқиш тартиблари ҳақида ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиш бўйича Давлат комиссияси тарқатилган ва касбий тайёргарлик даражаси ўзаро мувофиқлигига имкон берувчи таълим тизимини биргаликда шакллантиришдан манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар ва давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг барча таълим муассасаларида уларга риоя қилинишини таъминловчи тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Ана шуларни инобатга олиб таълимнинг давлат стандартларини яратиш билан боғлиқ комплекс ишларни амалга оширишни давом эттириш, таълим дастурлари ва технологиясини шакллантиришда ўқув-методик таъминлашда, ўқувчиларни мутахассисликка тайёрлаш сифатини аниқлашда, таълим муассасалари, педагогик ходимларнинг аккредитацияси ва аттестациясида бу стандартлардан фойдаланишга қарор қилдилар. Олий, ўрта махсус, ҳунар-техника, умумўрта, мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик бирлашма халқаро уюшмасини тузиш мақсадга мувофиқ деб эътироф қилинди. Бу уюшмани ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишда россиялик ҳамкасблар бошқош бўлишга даъват қилинди.

Конференция иштирокчилари шу йилнинг охиригача биргаликдаги таълим тизимини шакллантиришнинг умум йўриқлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадида Украинада халқаро кенгаш ўтказишга келишиб олдилар. Бизнинг делегациямиз учрашув иштирокчиларини 1994 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш муаммолари бўйича ўзларининг халқаро конференциясига таклиф этдилар. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Назаримизда, энг муҳим қарорлардан бири 1994 йил давомида тааллуқли давлатлар таълим бошқарувининг марказий идоралари ўз мамлакатларининг бошқа бошқарув идоралари билан таълим, илмий даражалар, унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва эквивалентлигини белгилаш ҳақидаги ҳукуматлараро битим лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ҳусусидаги қарор бўлди. Халқаро битим имзоланишига қадар, 1996 йил 1 январгача МДҲ қатнашчилари бўлган давлатларда умумий ўрта, ўрта махсус, ўрта ҳунар-техника таълими тўғрисида берилган давлат нусхасидаги ҳужжатлар уларнинг эгалари ўқишни давом эттириш учун давлат таълим муассасаларига киришда эътироф этилишига келишиб олинди. Шунингдек 1994 йилда Конференция қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг давлат ўқув юрти қандай бўлишидан қатъи назар ўқувчи умумий ўрта таълим дастури бўйича ўқишини бошқа жойга кўчирганида ўқув йили эквивалентлиги сақланади. Шуни қайд этиш керакки, ушбу ҳолда таълим муассасасидаги ўқувни тасдиқловчи давлат нусҳасидаги ҳужжатларнинг асли ва қабул этаётган мамлакат давлат тилида ёки рус тилида таржима матни бўлиши лозим. Таржима қилинган матн таълим муассасаси раҳбарининг имзоси ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Томонлар бу қарорни амалга ошириш бўйича фаолиятнинг ягона шакл ва усулларини белгилаб олдилар ва аҳдлашувга эришдилар.

Йиғилиш қатнашчилари конференция иштирокчиларидан бўлган давлатлардаги аҳолининг этник ва тил гуруҳлари таълим эҳтиёжини қондириш тўғрисидаги кун тартибининг иккинчи масаласи ҳал этилишидан ҳам ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар. Гарчи жиддий муаммоли бу масалани айнан шундай қўйилиши кўпгина республикалар учун умумий характер касб этарди. Жумладан, бизнинг Ўзбекистонни мисол тариқасида олиб кўриш мумкин. Республикада яшовчи фуқаролар ҳуқуқий тенглиги, шу жумладан, аҳолининг қайси гуруҳига мансублигидан қатъи назар, ўз она тилида таълим олиши Асосий Қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, бошқа қатор қонунчилик ва норматив ҳужжатларда аниқ-равшан қайд этилган. Шу билан бирга республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва халқлар тилларининг ривожланиши учун давлат шарт-шароит яратиши, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг болалари мактабгача тарбия муассасалари билан, ўрта умумий таълим олиши учун билим масканлари билан таъминланиши ёзиб қўйилган. Болалар боғчаларида қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа шу сингари она тилларда ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш гуруҳлари ташкил этилган.

Умумтаълим мактабларида ўқувлар 7 тилда олиб борилмоқда. Бундан ташқари ўқув олти тилда олиб бориладиган синфлар мавжуд. Кейинги беш йилда Ўзбекистон билан чегарадош республикалар аҳолисининг ўз она тилларида ўқиётган болаларининг миқдорий кўрсаткичи йил сайин ортиб бораётганлиги ҳам эътиборга сазовор далилдир. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республикада тузилган миллий-маданий Марказлар билан биргаликда ушбу йўналишдаги ишни изчил давом эттираётир.

Бу борада қандай муаммолар бор? Асосий муаммо бу — таълим муассасаларини она тилида дарсликлар, ўқув режалари, дастурлар, методик ва бошқа қўлланмалар билан таъминлашдир. Ўқув йили бошлангунга қадар республикалар бир-бирларига ўнлаб номдаги юз минглаб дасликларни етказиб беролмадилар. Бунинг боиси муайян даражадаги молиявий, лицензия ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилмаганидир. Ўйлаймизки, гарчи қисман бўлса-да, айниқса, халқ таълими бошқарув идоралари ходимлари учун ахборот мажмуаси (банки) ва варақасини яратиш билан бошқа масала ҳам, яъни МДҲ қатнашчилари бўлга давлатларда таълимнинг аҳволи ва иқтисодий тараққиёти тўғрисидаги ўзаро ахборот алмашуви масаласи ҳам ҳал этилади.

Бундан ташқари, ахборот мажмуаси Ҳамдўстлик мамлакатлари республика таълим тизимларига таълимда ахборот технологияси қўлланилиши усуллари ва воситаларини таҳлил этиш ҳамда ишлаб чиқиш, умумлаштириш, ягона кўрсаткичлар базасини яратиш имконини беради.

Умуман, хулоса қилиб шуни қайд этиш керакки, конференциянинг иккинчи йиғилиши самарали ўтди ҳамда ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошира олди. Навбатдаги вазифа қабул қилинган қарорларни амалга оширишдир. Барча қатнашчиларнинг якдил хулосалари ана шундай бўлди.

Конференциянинг учинчи йиғини туркманистонлик дўстларимиз таклифига кўра, 1994 йилнинг сентябрь ойида Ашгабат шаҳрида ўтиши ва унда вазирлар Минск шартномалари ҳаётга жорий этилишида натижалар қандай бўлганлиги юзасидан ахборот алмашиши келишиб олинди. Бундан ташқари навбатдаги йиғин кун тартибига яна икки масала — таълим муаммолари бўйича биргаликдаги илмий тадқиқотлар дастури тўғрисидаги ҳамда халқаро ҳамкорлик соҳасида таълим тизимларининг фаолияти ҳақидаги масалалар киритилди. Ҳар икки масала бизнинг делегациямиз томонидан киритилиб, муҳокамада иккинчи масала россиялик ҳамкасблар томонидан кенгроқ миқёсда кўрилиши қайд этилди. Бу масалалар конференция қатнашчилари бўлган барча давлатлар таълим тараққиёти учун долзарб ва мақбул эканлиги бизни қувонтирди, албатта.

Минск йиғилиши қатнашчилари вазирлар билан бир қаторда таълим тизимининг барча тоифадаги ходимлари учрашувидан ҳам фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Демак, жараён давом этади, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаверади. Бундан эса ҳамма-ҳамма манфаат кўради. Мустақиллик ва тенг ҳуқуқликка асосланган МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар таълим вазирликлари ҳамкорлик фаолиятлари мазмунида бугун, эрта, келажак акс этмоқда.

Й. С. САИДЖОНОВ,
делегация раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.
Э. Г. ГАЛИКЕЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Давлат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари.

ТАЛАБАЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёшларни ҳар жиҳатдан етук, келажакнинг пухта ва билимдон кишилари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Чунончи, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари қаторида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ҳам ҳар жиҳатдан муҳофаза қилинмоқда, уларнинг яшаш, дам олишларига қулай имкониятлар яратилмоқда.

Яқинда талабалар шаҳарчасидаги спорт комплексининг очилиши ҳам фикримизнинг далили, соғлом авлодни тарбиялашдаги муҳим омиллардан биридир.

Янги спорт комплексига қарашли ўйингоҳда ана шу ажойиб иншоотнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Тошкент давлат дорилфунининг ректори Т. Жўраев очди.

Дорилфунун профессор-ўқитувчилар жамоаси вакиллари, меҳнат ва спорт фахрийлари, спортчилар ушбу комплекснинг қурилиши талабаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир кўриниши эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош Вазирининг ўринбосари К. Тўлаганов, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: спорт комплексининг очилишидан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

КОРХОНАДА ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тил билган — эл биладн, — дейди донолар. Тўрт йилдирки, республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда, халқлар ўртасида унинг нуфузи ошмоқда. Эндиликда давлат тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб, республика ҳудудидаги корхона ва муассасаларда ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу борада Нишон туманидаги Талимаржон ГРЭСи корхонасида ўрнак олса арзигулик ишлар қилиниб, корхонанинг меҳнат аҳли, турли миллат вакиллари ўзбек тилини мукаммал ўрганишга, топталган қадриятларни қайта тиклашга жиддий киришган.

Куни кеча ана шу корхонада «давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишлаб «Тил ўрганиш — давр талаби» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Нишон тумани ҳокимияти ҳамда Қарши давлат университети раҳбарияти ташкил этиб, икки юзга яқин тилчилар, мутахассислар ва мазкур корхонанинг ишчилари иштирок этдилар. Шунингдек, Нишон тумани халқ демократик партияси ходимлари, Қарши давлат университети немис тили кафедрасининг олимлари ҳам давлат тилини ўрганиш борасидаги ўз таклифмулоҳазалари билан қатнашдилар.

Маърузачилар қисқа даврда давлат тилини ўрганишдаги ютуқлар, вилоятдаги корхона ва муассасалар, ташкилотларда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиш хусусида фикр билдириб, айрим муаммоларга ҳам тўхталдилар.

Хуллас, ушбу илмий-амалий конференциянинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни вилоят корхоналарида бажарилиши, ҳаётга татбиқ қилишида катта таъсири бўлиши шубҳасиздир.

Ўрол НУРҚОБИЛОВ.
Қарши шаҳри.

Ўткир ҲОШИМОВ,
«Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БИР ОЛМАНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА МУАЛЛИМЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Ёз кечаси. Сиз ҳовлидаги сўридами, супадами бедор ётибсиз. Тўлин ой мўл-мўл нур сочаяпти. Атроф сокин. Чигирткалар мастона нағма чалади. Бир маҳал олисда поезд ғилдирагининг тарақлагани эшитилиб қолади. Ғилдирак садолари гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб охири сукунат қўйнига сингиб кетади.

Шунда сизда ғалати ҳолат рўй беради. Юрагингиз аллақандай соғинч туйғуларига лиммолим тўладию, олис-олисларга кетиб қолгингиз келади. Қаёққалигини ўзингиз ҳам билмайсиз.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нега шундай бўлади? Ярим ёввойи одамлар бундан юз минг йиллар илгари нима учун қоятошларга расм чизган? Шундан бошқа ташвиши йўқмиди? Нима учун гул атрини яхши кўрасиз? Гул ҳиди қорин тўйдирадими? Не боисдан тонг чоғи қушларнинг шодон сайрашини эшитсангиз, вужудингизга алланечук илиқлик югуради. Қуш овози кийиммидики баданингизни иситса?!

Яна бир ўйлаб кўринг-чи, нега шунақа бўлади?

Менимча, ҳамма гап шундаки, инсон қонида руҳий бойлик деган нарса бор. Жўнроқ қилиб айтсак — Маънавият! Агар вужудида шу туйғу бўлмаса, одамзотнинг бошқа жонзотлардан фарқи қолмасди.

Бугунги кунда бунақа гапларга мойиғида кулиб қўядиганлар оз эмас. Биламан, ҳозир «ўтиш даври», «бозор иқтисоди» даври. Ҳар ким ўз кунини ўзи кўриш дардида. Лекин маънавиятни тўла-тўкис «моддиятга» қурбон қилиш, айрим одамлар орасида тарқалган «нима қилсанг — қил, қандингни ур!» қабилида яшаш охир-оқибат ёмон фожиаларга олиб бориши муқаррар.

Турк халқларида кенг тарқалган қадимий афсона бор. Бир савдогарнинг газлама каппонида дўкони бор экан. Кунлардан бирида савдогар пешин намозига борибди. Қайтиб келса, шогирди хурсанд бўлиб ўтирган эмиш. Савдогар нима гап, деб сўраса, шогирди қувониб шундай дебди: «Бир харидор келди. Бу ерлик одам эмаслиги кўриниб турибди. Фалон матодан фалон газ олди. Пистон матодан писмадон газ олди. Мен ҳар бир мато учун бозор нархидан беш тангадан қиммат ҳақ сўрадим. Харидор рози бўлди. Юз танга фойда қилдик». Савдогар шогирдини мақташ ўрнига қаттиқ қойибди. «Ҳозироқ ўша харидорни топиб келасан, сен ҳаром пул топибсан», дебди-да, харидорни топтириб келиб, ортиқча харжини қайтариб берибди.

Айтинг-чи, бунинг отини нима деб аташ керак? Гўлликми? Ҳозирги «тадбиркорлар» (аниқроғи, имон ва инсофни ҳам, тартибот ва қонунни ҳам сариқ чақага олмайдиган, замона зайли билан тегирмонига мўл-кўл харом-ҳариш сув оқаётган чайқовчилар) ибораси билан айтганда «аҳмоқлик»ми?

Билмадим... ҳар ким ўз кунини ўзи кўрсин, дегани ҳар ким ҳар кимнинг кўзини ўйиб олаверсин, дегани эмас, шекилли? Маънавий бойлик яратувчилар ким бўлибди, қўлидан келса, «йўлини қилсин» дегани эмас, шекилли? Агар масалага «йўлини қилиш» назаридан қарайдиган бўлсак, ўқитувчи товуқ боқсин, врач эчки соғсин, шоир шеър эмас, пайпоқ тўқисин, деймизми? Булар Ўзбекистон Истиқлолига ашаддий хиёнат бўлмайдими? Ахир, Истиқлол, энг аввало, халқимизга Маънавиятни қайтариб берди-ку! Сиз билан биз кечаги, бугунги, эртанги кунимиз ҳақида бош қотирмасак, эрта-бириси куни Истиқлолнинг ўзига зарба берган бўлмаймизми?

Бир гапни аввал ҳам айтгандим. Энди ҳам айтаман: деҳқон бир йил нобоп уруғ сепса, бир йил ёмон ҳосил олади. Ишчи бир кун ёмон маҳсулот чиқарса, натижасини эртаси куни кўради. Ўқитувчи бир йил нобоп уруғ сепса, ҳосилни йигирма йилдан кейин ўриб олади. Битта ўзи эмас, бутун жамият тотишга мажбур бўлади ўша «аччиқ мева» заҳрини!

Ўзбекистон раҳбариятига, Президентимизга раҳмат!

Маънавий хазинани тўлдирувчиларга, хусусан, ўқитувчиларга катта ғамхўрликлар кўрсатяпти. Менинг тасаввуримда педагог билан қаламкаш — бир олманинг икки палласи. Аслида-ку, сиз ҳам, биз ҳам бевосита моддий бойлик яратмаймиз: товуқ боқмаймиз, эчки соғмаймиз, пайпоқ тўқиб сотмаймиз. Аммо қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган, натижаси бугун ёки эртага эмас, йиллар ўтиб билинадиган хазина яратамиз. Ҳақиқий ўқитувчи кўп жиҳатдан чинакам ёзувчига, ҳақиқий ёзувчи эса чинакам муаллимга жуда ўхшайди. Негаки, мақсад битта: инсон руҳини поклаш. Маънавий бойлик яратиш. Шу боисдан ҳам адиблар ҳамиша ўқитувчини улуғлаб асарлар ёзишган.

Таассуфки, ҳозирги «ўтиш даври»даги (илоҳо шу кунлар тезроқ ўтсин!) моддий танглик, эҳтимолки, шунчаки бепарволик туфайли маънавий бойлик яратувчи ҳамкасбларимиз — муаллимлар орасида ҳам бадиий ижодга бир қадар бепарво муносабат пайдо бўлди.

Бундан бир мунча муддат илгари Ўзбекистон Халқ таълими Вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев билан узоқ суҳбатлашгандик. Тўғрисини айтсам, бу одамнинг халқ таълимини янгича изга солиш йўлида ўйлаган тадбирлари мени чин дилдан қувонтирди. Айни пайтда мен ҳам эсимни таниганимдан бери муаллимни буюк зот деб ҳисоблаб келганимни, бундан кейин ҳам шу фикрда қолишимни, афсуски, ўқитувчилар, ҳатто адабиёт муаллимлари сафида ҳам замонавий адабиётдан мутлақо бехабар, борингки, «Шарқ юлдузи» журналини йиллаб қўлига олмаганлари оз эмаслигини айтдим. Вазир замонавий адабиётни билмай туриб, адабиётчи бўлиш мумкин эмаслигини, ҳақиқий тарихимизни билмаган «педагог» болалар онгини эскича тушунчалар билан заҳарлашдан бошқага ярамаслигини таъкидлади. Катта раҳмат, ҳозир вазирлик жонкуярлиги билан Республикадаги барча мактаблар, билим юртларидаги адабиёт, тил ва тарих ўқитувчилари, методистлар «Шарқ юлдузи»ни ўқиб бориши зарурлиги, уларнинг журналга обуна бўлиш масаласида амалий тадбирлар амалга оширилляпти.

Бу ўринда яна бир муҳим ҳолат бор. Истиқлол яратган янги даврда дастурлар, дарслик ва хрестоматиялар тубдан ўзгартирилди. Чинакам қаламкашларнинг чинакам ижод намуналари китоб ҳолда чоп этилиши мушкул бўлиб қолган ҳозирги кунда «Шарқ юлдузи» барча педагоглар, айниқса, адабиётчи, тилчи ва тарихчи муаллимлар учун муҳим манба бўлиб қолди. Биз журналда янги дастур ва дарсликка киритилган етакчи қаламкашлар асарларини, уларнинг ижодига оид материалларни, шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид ҳаққоний далилларни мунтазам ёритиб борамиз.

Бинобарин, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Шарқ юлдузи» ойномасини барча педагоглар ўқиши лозим, деб жонкуярлик қилаётгани бежиз эмас. Модомики, сиз билан биз ягона мақсад йўлида хизмат қиларканмиз, «Шарқ юлдузи»ни қўллаб-қувватланг! Акс ҳолда журнал ёпилиб қолиши мумкин.

Биз «Шарқ юлдузи»ни иложи борича кўпроқ одамлар ўқиши ниятида, журнал учун энг арзон нарх белгилаганмиз: ойнома бир сонининг баҳоси — 600 сўм.

«Шарқ юлдузи»нинг 1994 йил обуна баҳоси:
БИР ЙИЛГА — 7200 сўм.
ОЛТИ ОЙГА — 3600 сўм.
ЖУРНАЛ ИНДЕКСИ: — 75458.

Сизларнинг Маънавиятга меҳрингиз беқиёслигига ишонамиз!

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Шарофат НОРҚУЛОВА!

Сиз қатор йиллардирки, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида қалб шуури, кўз нурингизни аямай, астойдил меҳнат қиляпсиз. Шогирдларингиз камоли сизнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатингиз туфайлидир.

Умрингиз фаслининг 50 баҳорини қаршилаётган шу қувончли кунларда дилингиздаги барча ниятларингиз амалга ошишини истаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хотиржамлик ва эзгу ишларингизда катта омадлар тилаймиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ УСМОН ЮСУПОВ НОМЛИ 38-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Ҳурматли Тоҳир РИХСИЕВ!

Сизни мактаб жамоаси физика фани билимдони, ижодкор, тажрибали ўқитувчи сифатида яхши билишади ва Сиз билан фахрланишади.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи фахрий номлари самарали меҳнатингизга берилган муносиб баҳодир.

Қутлуғ 50 ёшингиз нишонланаётган ушбу шодиёна кунда, Сиз — муҳтарам мураббийга кўнглимиздаги энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Сизга ҳамиша бардамлик, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилангизга тинчлик-тотувлик ва ижодий ишларингизга омадлар тилаб қоламиз.

ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ ВАҲОБ КАРИМОВ НОМЛИ 1-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Ҳурматли устозимиз Тошмурод ХУДОЙНАЗАРОВ!



Сиз 40 йилдан буён кўз нурингизни, қалб қўрингизни ёшлар таълим-тарбиясига бахшида этиб келаяпсиз. Чорак асрдан кўпроқ вақт турли мактабларда раҳбарлик қилдингиз.

Азиз устоз, Сизни муборак 60 ёшингиз, педагогик фаолиятингизга 40 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклаймиз. Эл-юрт бахти учун доимо омон бўлинг!

ҚАРШИ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ.

ЯНГИ МУЗЕЙ

Бешариқ туман болалар ва ўсмирлар уйи қошида педагогик жамоа, болалар етакчилари, тўгарак аъзоларининг ёрдами билан музей ташкил қилинди. Музей иккита катта хонадан иборат бўлиб, тарихий, шон-шуҳрат, саноат, қишлоқ хўжалик, маданият ҳамда ўлкашунослик бўлимларидан ташкил топган. Бу ерда ҳозирги кунда 600 дан ортиқ экспонат мавжуд. Музейни ташкил этишда республикамиз тарихи, миллий қадриятларимизни ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Музейнинг асосий қисмини тарихий бўлим ташкил қилади. Бу бўлимга халқимиз қадимдан фойдаланиб келган иш қуроллари, уйрўзғор буюмлари, ўймакорлик, турли хил кишанлар, ёғочдан қилинган лаганлар, оёқ кийимлари, тақинчоқлар қўйилган. Шунингдек, халқимиз қадимдан фойдаланиб келган кийим-кечаклар, пуллар, китоблар, хатдонлар, тўқувчилик дастгоҳлари ва бошқа кўплаб экспонатлар шу бўлимдан ўрин олган. «Шон-шуҳрат» бўлимида эса Афғон урушида ҳалок бўлган 12 нафар юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи бой материаллар қўйилган. Улар ўқиган мактаблардаги болалар, ўсмирлар уюшмаларига, отрядларга номлари берилиб абадийлаштирилди. Шунингдек, музейдан қаҳрамонлар — Аҳмаджон Шукуров, Тўйчи Эрйигитов, моҳир разведкачи Сирожиддин Валиевларнинг уруш йилларида кўрсатган жасоратларини тасвирловчи суратлар, альбомлар ва бошқа ҳужжатлар ўрин олган.

Музей доимо боғча болалари, ўқувчилар, ота-оналар, меҳмонлар билан гавжум.

В. ҒАНИЕВ.
Фарғона.

Телевиденией асримиз мўъжизаси, кашфиётлар ичра кашфиёт, топилмалар сандиғи, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки бу мўъжаз сандиқча ўз атрофига бир вақтнинг ўзида ёшни ҳам, қарини ҳам, турли тоифадаги турфа феъллли кишиларни йиға олади. Шунинг учун телевидение ижодкорлари ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари шарт, сўз қадрини чуқур тушунишлари даркор. Чунки арзимаган имо-ишора ҳам катта воқеаларга сабаб бўлиши мумкин.

Газета ва журналларни ўқишга кўникмаси бор одамларгина бу ахборот воситаларини варақлайди. Тушунмаганини тушунмоқ учун қайта-қайта унга мурожаат ҳам қилиши мумкин. Аммо «Зангори экран» кўрсатувларини-чи? Бир сонияда уларни назардан қочириб қўйиши мумкин, натижада... Шунинг учун ҳаммага тушунарли, ҳаммага ишонарли кўрсатувлар даркор. Кейинги пайтларда телетомошабинлар Илмий-оммабоп ва маърифат кўрсатувлари таҳририятининг ижод маҳсулларини ҳам берилиб, кунларни санаб, кутиб, томоша қиладиган бўлишди. Илгарилари бу таҳририятнинг кўрсатувлари иккинчи программа орқали берилиб, фақат ўқув дастури учун хизмат қиларди... Эндиликда эса улар биринчи дастур орқали ҳам эфирга узатилмоқда. Шу хусусда таҳририятнинг бош муҳаррири, биология фанлари номзоди А. Ҳабибуллаев билан суҳбатлашдик.

ТАЪЛИМ ВА ОЙНАИ ЖАҲОН

МАЪРИФАТ КЎЗГУСИ

— Абдуҳамид ака, сиз газета ва журналларда бирмунча ишлаб, мухбирликнинг машаққатларини татигансиз. Энди эса телевиденией бизнинг газетамиз «Маърифат»га ҳамоҳанг, дастури ва йўналишлари қарийб бир хил бўлган илмий-оммабоп ва маърифат кўрсатувлари таҳририятида ишлаяпсиз. Тележурналист бўлиш осон бўлмаса керак. Менимча, тележурналистлар ҳам ижодкор, ҳам санъаткор, ҳам ўзига хос тезкор бўлиши керак.

— Тўғри айтдингиз, Умидахон. Дастлаб иш бошлаган кезларимда бир оз шошиб қолдим. Чунки ходимларимизнинг кўпчилиги ўқув юртларида русча таълим олишган. Шунинг учун нафақат кўрсатувларнинг мундарижаси, балки тили ҳам ўзига яраша эди. Шунингдек, кўрсатувлар зерикарли, дарс соатларидангина иборат бўларди. Аста-секин изланиш ва интилишлар натижасида бир-биримизни тушуна бошладик. Янги ходимлар, ижодкор журналистлар билан сафимизни бойитдик. Республикамиз илм аҳли фаолиятига эътиборни кучайтирдик. Эндиликда 12 та рукнда кўрсатувлар тайёрлаяпмиз. Олимлар ҳаёти ва тадқиқотлар кўлами, уларни ўз олдиларига қўйган вазифаларини кенг оммага олиб чиқа бошладик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтларида кашф этилган муҳим тадқиқотларни изчил тарзда ёритишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий аттестация қўмитаси фаолиятларини теленазорат остига олдик. Ўзбек олимларининг хорижий юртлар илм аҳиллари билан ўзаро ҳамкорликларини кенг миқёсда ёритаётирмиз.

— «Фан уфқлари», «Ихтиро», «Кашфиёт» каби кўрсатувларингизни кўрдик. Янглишмасам, улар ҳар ойда бир-икки марта берилаяпти. Бу кўрсатувларни янада самимийроқ, халқчилроқ қилиш устида изланаяпсизларми?

— Ҳа, албатта. «Тадқиқот ва ҳамкорлик», «Бу турфа олам» каби кўрсатувларимиз ҳам бор. Уларда Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ёрқин Тўрақулов, Иброҳим Ҳамробоев, Жўра Саидов, Матёқуб Қўшжонов, Иззат Султон каби машҳур олиму фозилларимиз иштирок этиб, бошловчилик қиладилар. Шунингдек ёш, иқтидорли олимларнинг тадқиқотлари ҳам доимо эътиборимиздадир. Хабарингиз бор, мустақиллик шарофатидан Абу Али ибн Сино, Фаробий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби бобокалонларимиз билан фахрланиш туйғуси ошкора кечмоқда. Биз ҳам улар билан бир қаторда Феруз, Мужрум Обид, Мирзо Улуғбеклар каби алломаларимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Аждодлар мероси — хазина» рукнида махсус кўрсатувлар ҳавола этдик. Шунингдек, замондошолимларимиздан Ўктам Орипов, Жўра Самадов ва Носир Аҳмедовларга бағишланган илмий-публицистик телеочерклар яратилди. Маъданшунос олимимиз Иброҳим Ҳамробоевнинг илмий ва ҳаёт йўли ҳақида видеофильмни тугатиш арафасидамиз.

— Абдулҳамид ака, АҚШ, Англия, Франция... хуллас хориждан келган меҳмонлар, олиму фан арбоблари билан ҳам мухбирларингиз телекўзгу орқали суҳбатга киришганидан хабаримиз бор. Уларнинг инсон саломатлигини муҳофаза қилиш энг муҳим ва зарур ишлардан бири деб билишлари, осмон ва ер тинчлигига, мусаффолигига эътибор беришлари томошабинни қувонтиради.

— Ижобий фикрларингиз учун раҳмат. Олам турфа ҳодисаларга бой. Гоҳ туғма, гоҳ ҳаёт давомида саломатликка путур етиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай касални даволашдан аввал унинг олдини олиш, хасталикка имкон бермаслик керак. Собиқ СССР даврида пахта яккаҳокимлиги туфайли еру сувимиз, атроф-муҳитимиз, нафас олаётган ҳавомиз ифлосланди. Турли хасталиклар пайдо бўлди. Нурланиш, заҳарланиш каби оқибатларни ўйлаб, сон-саноқсиз беморларни кўриб очиғи, эндиликда, инсониятнинг қанча турдаги касалликлари борлигини ҳам аниқ билмайсан киши. Оналар ва болалар ўртасидаги касалликлар эса дилни яна ҳам хуфтон қилади. Гиёҳвандлик ва спиртли ичимликлар оқибатида келаётган касалликларнинг эса сон-саноғи йўқ. Таҳририятимиз жамоаси «Соғлом авлод учун», «Сиҳат-саломатлик», «Оламни асранг», «Оналар мактаби» каби кўрсатувларни тайёрлаб, орттирилган касалликларнинг олдини олишга бирмунча ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кўрсатувни тайёрлашда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Вилоятлардаги тиббий бошқармалари, тиббиёт институтлари ва билим юртлари, касалхоналар ҳаёти, дам олиш масканлари ҳақидаги, санитария-эпидемиология стационарининг фаолияти тўғрисидаги махсус кўрсатувларни доимий равшда экранга узатаяпмиз.

— «Олий таълим истиқболлари» кўрсатувини ҳам...

— Ҳа, бу рукнда «Олий таълим янгиланиш йўлида», «Абитуриент-93» каби кўрсатувларни ҳам бизнинг таҳририятимиз жамоаси тайёрлайди. Республикамиздаги олий ўқув юртлари техникум ва билим юртлари ҳам эътиборимизда. Шунинг учун ҳамиша биз республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Кўрсатувларимизда жумҳуриятимизнинг энг машҳур педагог олимлари иштирок этадилар. Мустақиллик шароитида дунё мамлакатлари олий таълими тизимларидаги энг яхши анъаналар афзал жиҳатларни қандай қилиб ўзимизда жорий этиш борасида атрофлича ўйлаяпмиз. Бунинг учун мутахассис олимларнинг чиқишларини ташкил этдик. Олий таълимда икки босқичли ўқиш: биринчи босқич — бакалаврлик, иккинчиси — магистрлик афзалликларини телетомошабинларга тушунтириб тарғиб-ташвиқ қилаяпмиз.

Олий ва ўрта махсус тизимидаги ўзгаришлар сирасига талабаларни тест синовлари асосида қабул қилиш ҳам киради. Бу мавзудаги кўрсатувлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Билишимча, фақат маърифий эмас, балки илмий-оммавий кўрсатувларингиз ҳам диққатга лойиқ. Мустақилик шабадалари қадриятларимиз тикланишига, одамларимиз одоби, ахлоқи, оқибатлилиги ва ўзлигига қайтишида ҳам туртки бўлди.

— Рост айтасиз. Одоб остонадан бошланади. Халқ таълими эса оиладан кейинги таълим ва тарбиянинг барча тизимини ўз ичига олади. Таҳририятимизда махсус «ўқув» гуруҳи мавжуд. «Маорифимиз муаммолари», «Халқ таълими: изланиш ва ечимлар», «Бола бошидан», «Мактаб ва ҳаёт», «Ўқитувчи билан учрашув» каби рукнларда тайёрланадиган кўрсатувлар ёшларнинг таълим ва тарбиясига қаратилгандир.

— Абдулҳамид ака, халқимизда тилга эътибор — элга эътибор, деган гап бор. Тил билмаган, дил билмайди,— дейишади. Шунинг учун бўлса керак, улуғ алломаларимиз ҳам бир неча тилни билишган ва ижод қилишган...

— Фикрингизни англадим. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон келажаги буюк давлат экан, энди жаҳонга юз тутаётган кунларимизда жаҳон билан сўзлашишни ўрганишимиз керак. Бу йил олий ўқув юртларига қабул қилинган ёшлардан 2,3 минг киши хорижий юртларда ўқийдиган бўлди. Шунинг учун таҳририятимизда жаҳон тиллари бўлими очилган. Эфирга узатилаётган тил сабоғига оид кўрсатувлар шу бўлимнинг маҳсулидир.

— Таҳририятнинг ёш ижодкорлари ҳақида ҳам тўхталсангиз. Сиз бизга таниш, номиданоқ мавзуси аниқ кўрсатувлар сонини шу қадар кўп санадингизки, бу кўпликда уларнинг ҳам хўб меҳнатлари бўлса керак.

— Кейинги вақтларда таҳририятимизга янги ижодий кучлар кириб келди, деб таъкидладим. Булар — Ботир Имомов, Раъно Зарипова, Зайнаб Шодиева, Абдурашид Нурмуродовлардир. Маълумки, журналистикада публицистик руҳ савия таянчи ҳисобланади. Қайси бир оммавий ахборот, матбуот соҳасида публицистика кучли бўлса, билингки, ўша ерда юксак асарлар пайдо бўлади. Ўйлайманки, таҳририятимиз аъзолари ўзларининг публицистик чиқишлари билан кўнглимизга маърифат чироқларини ёқадилар. Қодиржон Собиров, Дилшод Шамсиев, Абдурауф Коржовов, Рўзибой Қўлдошев кабилар таҳририятимизнинг етук ижодкорлари сафини тўлдирадилар.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Маданияти кишини тарбиялашда, айниқса, икки кучнинг: санъат ва фаннинг аҳамияти катта, дейишади. Сизнинг таҳририятингиз эса санъат ва фанни бирлаштириб, одамларимиз қалбида маърифат чироқларини ёқишига ишонамиз.

Суҳбатдош
У. АБДУАЗИМОВА.

МЕҲР ОҒУШИДА

Мустақил диёримиз қўйнида беғубор болалик гаштини сураётган 460 нафар кичкинтой Тошкент шаҳридаги 429-болалар боғчасида тарбияланмоқда. Боғча Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг марказий бошқарувига қарашли. Унга 25 йилдирки, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Алла Кузьмина мудиралик қиляпти.

Болаларга барча шарт-шароит яратилган. Халқимизнинг: «асал ширин, асалдан ҳам бола ширин», — деган ақидасига риоя қилиб Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти болалар боғчасидан ўз меҳр-мурувватларини дариғ тутмаяпти. Боғчада Давлат тили қонунларини амалга оширишга, болажонларга ўргатишга катта аҳамият бериляпти. Қўли енгил луқмонлар Элла Арутюнова, Надежда Шаруновалар болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишмоқда.

Хуллас, бу масканда ширинтойлар меҳр оғушида тарбияланяптилар.

Ч. ГУРТҚИЛИЧЕВ.

Обуна—94

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА...

Газета ва журналларга 1994 йил учун обуна давом этмоқда. Бундан 3—4 йил аввал муштарийлар ўзларига ёққан беш-олтита ва ҳатто, ундан ортиқ нашрларни олиб ўқиш имкониятига эга эдилар. Бугун эса... Қоғоз нархи, босмахона ва транспорт ҳаражатларининг тинимсиз ошиб бораётганлиги газета-журналлар таннархини ҳайратланарли даражада ошиб кетишига сабаб бўлди. Аммо...

Халқимизда «ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи», деган гап бор. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда чоп этилаётган деярли барча нашрларнинг республикамиз ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида ўзига яраша ўрни бор. Ҳар бир нашр ўз йўналиши, дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, янги жамият кишисини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарманинг ташкил этилиши эса оммавий ахборот воситалари ходимларини эзгу ниятлар йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга, ёш мамлакатимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни матбуот саҳифаларида янада тўлароқ акс эттиришга, мустақиллигимиз йўлидаги ошкора ва пинҳона тўсиқларни аёвсиз фош этишга ундамоқда.

Қуйида бир қатор газеталарнинг 1994 йилги обуна баҳоларини эълон қилмоқдамиз. Ўзингиз севган, узоқ йиллардан бери мулоқот қилиб келаётган нашрларга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг.

Газеталар	Индекс	Обуна баҳоси			
		1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
«Халқ сўзи»	64608	1677	5031	10062	20124
«Ўзбекистон овози»	64583	1700	5100	10200	20400
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»	64593	577	1731	3462	6924
«Туркистон»	64607	1214	3642	7284	14568
«Ватан»	75499	396	1188	2376	4752
«Маърифат»	64595	820	2460	4920	9840
«Заман—Ўзбекистон»	75489	334	1002	2004	4008

• *ХОТИРА*

«ЎЛИМЛАРДАН САКРАГАН ЛОЧИН»

Хабарингиз бор, шўро тузуми йилларида ҳар бир ташкилотнинг ўз деворий газети бўларди. Муҳаррири, таҳрир ҳайъати.

«Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак») нашриётида ишлаб юрганимизда биз ҳам деворий газет чиқарганмиз. Шундай газетнинг бири 9 май, Ғалаба кунига бағишланди. Унда шоир Шамси Одилнинг «Ўлимлардан сакраган лочин» сарлавҳали очерки эълон қилинди.

Очеркнинг бош қаҳрамони — нашриёт қоровули Абдусамат Таваккалов эди. Очеркка тўхташдан олдин Абдусамат ака ҳақида билганларимни айтақолай. Бу одам, бир неча йиллар миршаблик қилган. Ёши бир жойга етгач, нашриёт қоровулига кўтарилганди. Қоровул деса қоровул, дегудек, нашриётга келган одамга зимдан тикилар, қайси хонага киришини кузатар, раҳбарлардан бирортаси «бу нима қилиб юрибди» деса бўлди, шартта бориб ёқасига ёпишиб, ҳайдаб чиқаришдан ҳам тоймасди.

Абдусамат акани жамоамиз йилда икки марта астойдил табриклаб, совға бериб, ўрга ўтқазарди. Бу, албатта, 23-февраль билан 9-май куни эди. Ватан учун жанг қилган фидойи қоровулни шу кунлари директорнинг машинаси уйига ташлаб келарди. Ҳурматини жойига қўйишнинг кифтини келиштирардик.

Шамси аканинг очеркига келсак, ҳануз ундаги жумлалар ёдимда. «Абдусамат ака тўсатдан душман тўдасига дуч келади. Қочай деса, орқасида Ватани турибди. У олдинга бир қадам босиб, автоматини сайратди. Шу отишда 9 фашистни ер тишлатди. Қолгани тумтарақай қочди. Қўрқмас ботир буюк ғалабани Берлин остонасида кутиб олди...».

Шамси ака деворий газетга тикилиб турганимни кўриб сўради.

— Яхши ёзибманми?

— Қотирибсиз ака, — дедим. — Бу Абдусамат акани билмас эканмизда. Немисдан қўрқмаганини қаранг. Лекин озгина хатоси бор.

— Қанақа хато.

— Тўққизта эмас, Абдусамат ака ўша қочган немисларни ҳам қувиб юриб отган бўлса керак.

— Майнавоз чиликни қўй, — ранжиди шоир, — сен нуқул менинг ишимдан бирор қусур топмасанг туролмайсан.

— Кечирасиз, жоним ачинганидан айтаяпман. Очерк шуни кўтаради, ўшанда каттароқ газетга берсаям бўлади. Балки ҳужжатли қисса бўлар. Ҳозир ҳарбий ватанпарварликка эътибор катта.

— Буни ўйлаб кўраман, — деди Шамси ака, — тўғри топдинг. Шошилиб ёздим. Кейин деворий газета.

— Барибирда ака, қалам ҳақи бўлмаса-да, совет матбуоти. Партиявий талаб битта. Қаҳрамонингиз ёнингизда. Суҳбатни кенгроқ олаверинг.

Ўша ҳафтамиди, орадан ўн кун ўтганмиди нашриётдаги ҳуқуқшунос аёл янги гап топиб келди. Абдусамат аканинг ҳужжатини нафақага чиқиш олдидан кўриб чиқишибди. У қай тарзда текширилади, бунисини билмайман. Билганим шуки, Абдусамат ака мутлақо урушга бормаган экан. Адашмасам, у яшайдиган ҳарбий комиссариатда шу нарса аниқланибди. Эшитишим билан дарҳол очерк муаллифига учрадим.

— Шамси ака, расво бўлдингиз, бу очеркингиз қаҳрамони урушдан қочган экан. Сизгаям гап тегади. Тайёргарликни кўраверинг...

Шамси акага ҳали бу хабар етиб бормаган экан, шекилли, тушунмайроқ сўради:

— Ким?

— Абдусамат ака-да. Биров билиб қолса. Совет матбуотида қочоқни очерк қилдинг деб. Ака, иш чатоқ. Ёзган ручкангизниям дарров йўқотинг. Бармоғингизда изи қолган бўлади. Яхшироқ бўлса, менга беринг. Ювиб-пувиб ишлатарман. Қариганда сизга жабр бўлди. Шундай катта шоир Ватан ҳимоясидан қочганни совет матбуотида мақтаб турса. Абдусамат қочоқни барибир қамайди. Ҳозир текшир-текшир бошланибди. Сизнинг этагингиздан тортмасин деб қўрқаман. Кечиринг-у, меним гувоҳликка чақиради. Қочоқ қаҳрамон, у ҳақда очерк ёзган шоирни таниймисан деб.

Шамси аканинг ранги қув ўчди. Чиқа солиб деворий газетни девордан юлиб олди. Буклаб тортмасига солди. Шу кундан бошлаб очерк қаҳрамонини кўрса, тескари бурилиб ўтадиган бўлди. Олдинлари эса вақти бевақт чойхўрлик қилиб, суҳбатлашиб ўтирарди.

Мен бўлсам ҳар кўрганда у кишининг юрагига ғулғула соламан.

— Ўша очерк сизнинг ижодий биографиянгизда қора доғ бўлиб қолади. Мукофот-пукофот, унвон-пунвон оладиган бўлсангиз, албатта, ижодингиз миридан-сиригача ўрганилади. Бирдан қочоқ ҳақидаги очеркингиз чиқиб қолса, тамом-да.

Шамси ака ҳеч иккиланмай жавоб берарди.

— Ўша куни қўлёзмани, деворий газетни ёқиб юборганман.

— Шакархон ая кўрмадиларми. Чунки хотинларгаям ишониб бўлмайди.

— Аянг билганиям йўқ.

— Барибир қўрқади киши. Қўлёзмани машинкада кўчиргансиз. Тўғрими?

— Ҳа.

— Мошинкачи қиз бирор нусхасини яширинча ану ташкилотга олиб бориб берган бўлса-чи. Тайёр ҳужжат. Сизга айтаяпману ўшандан бери ўзим қўрқиб юрибман. Ҳаловат йўқ. Бир бало бошланса, Шамси Одилнинг думисан деб... Кул-пулини йўқотганмисиз. Аппарат билан топиб олишади.

— Сенинг калланг яхши ишлайди, — деди Шамси ака. — Бу томонини ўйламабман-да.

— Ўйланг-да, ака!

Бу орада иккаламиз ҳам нашриётдан кетдик. Шамси ака элликка тўлган куни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди. Қутлагани бордим.

У кўкрагидаги чишонни менга кўз-кўз қилиб деди:

— Ука, шу унвонни олгунча анча чўчиб юрдим.

— Сабаб.

— Падарига лаънат, ану қочоқ ҳақидаги очерк...

— Эсимда, — дедим. — Сиз ўзи бир художўй одамсиз. Худо асради, сизни, ака Барибир ис чиқарасиз. Қолган инсу-жинслардан қутулиш учун. Дарвоқе, очеркнинг сарлавҳаси «Ўлимлардан сакраган хотин»миди.

Шамси ака мағрур оҳангда тўғрилади:

— Хотин эмас, лочин!

Сафар БАРНОЕВ.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов,
Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов,
Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов,
Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов,
Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083,
Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-849. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2.
Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 1 2 3 4 5 6.